Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 25 апрель, сешанба №50 (21.813.) Сотувда эркин нархда.

ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА

МУРОЖААТ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бошлиқлари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўз мамлакатлари халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қиладилар.

1945 йилнинг 9 майи инсоният тарихида XX асрнинг энг унутилмас ва энг муҳим санаси сифатида: эзгулик ва озодлик тантана қилган кун, халқлар фашизм қуллиги хавфидан батамом қутилган кун сифатида қолади.

Совет Армиясининг, партизанлар ва яширинча кураш олиб борганларнинг қаҳрамонлиги, кишиларимизнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати, халқларимизнинг мислсиз мардлиги, матонати ва қардошлиги мана шу Буюк Ғалабага олиб келган муҳим омиллардир.

Фашизм билан курашга иттифоқчиларнинг қўшинлари, антифашистик ҳаракатлар, гитлеризмга қарши иттифоқдаги барча мамлакатлар халқларининг саъй-ҳаракати ҳам муҳим ҳисса қўшди.

Ғалаба коллектив ақл-идрок, озодлик ва инсон қадр-қиммати учун курашган ва уни ҳимоя қилган халқлар ва одамларнинг фидокорлиги ва алоҳида қаҳрамонлиги *бутун дунё халқларининг ўлим хавфи олдида бирлаша олиш қобилиятининг* ёрқин намойиши бўлди.

Ғалаба халқаро хавфсизликни таъминлаш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш ишида жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг ҳамкорлик қилиш имконияти борлиги ва шундай қилиш зарурлигини кўрсатди.

Биз тинчлик, озодлик ва демократия йўлида улкан қурбонлар берилганини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз ўз ватандошларимиз номидан Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлаш, уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни асраб-авайлаш ва ҳозирда барҳаёт Ғалаба ижодкорларига иззат-икром кўрсатишга даъват этамиз.

Умумий тинчликни мустаҳкамлашга интилар эканмиз, биз, халқларимизнинг тинчлик ва фаровонлик йўлида Ҳамдўстлик доирасида ҳам, барча мамлакатлар билан ҳам ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга эришишга бўлган қатъий иродасини тантанали равишда тасдиқлаймиз.

Биз барчани сайёрамиздаги тинч ҳаётта бўлган янги хавфларга қарши курашда, ҳозирда мавжуд зиддиятларни бартараф этиш ва пайдо бўлиши эҳтимоли бор янги зиддиятларнинг олдини олишда саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга даъват қиламиз. Янги қулфатлар, вайронгарчиликлар ва қон тўкилиши хавфи беркиниб ётган бу зиддиятларнинг фожиали тарзда ривожланиши эзгулик ва тараққиёт идеалларига зид бўлиб тушади.

Биз Буюк Ғалаба қурбонлари ва барҳаёт қаҳрамонлари олдидаги муқаддас бурчимизни идрок этган ҳолда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган барча давлатларнинг халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни келажак авлодларни янги урушлар даҳшатлари ва қулфатларидан халос қилиш учун барча куч ва иродани бирлаштиришга даъват этамиз!

РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИНДИ

22 апрель куни Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 2 мартда Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатларни икки мамлакат парламентлари ратификация қилгани тўғрисидаги ёрлиқларни алмашиш маросими бўлиб ўтди. Ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорский имзо чекдилар.

(ЎзА).

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Кетма-кет икки кун ёққан ёмғирдан сўнг Қамаши далалари яшнаб кетди. Вилоятдаги йирик пахтакор туманда бу йил 11 минг гектар майдонга чигит экилган эди, ниҳоллар ернинг нами билан тўлиқ униб чиқди.

— Бу йил 30 минг тонна пахта етиштиришимиз керак, — дейди туман ҳокими муовини Э.Аҳмедов. — 1,5 минг гектар ерга «Бухоро-6», қолган ернинг ҳаммасига «Юлдуз» навли пахта чигити экилди. Энг кўп пахта етиштирадиган «Қоратепа» ва Гагарин номли жамоа хўжаликларида ниҳолларни парваришлаш бошлаб юборилди. Бошқа экинларнинг ҳам ривожи яхши. Бу йил биринчи марта яхши ният билан 500 гектар ерга серёғ экин — махтар экдик. Насиб этса, ҳосил яхши бўлади.

Юнус УЗОҚОВ.

Иқтисодиёт

ТАДБИРКОРГА КЕНГ ЙЎЛ

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Вилоят ҳокимлигида шаҳар, туман ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар, ҳиссадорлик жамиятлари, банк, солиқ ва савдо тизими раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлди.

Кеҳгашни вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов очди. Вилоятда қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари, республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Баҳодир Бобожонов маъруза қилди. Нотиқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишларга тўхталар экан, ҳиссадорлик жамиятлари тузишда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, хусусан, қимматли қоғозларни чиқариш, ҳиссадорларга дивидендлар тўлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлигини таъкидлади.

Йиғинда вилоят ҳокимлиги қошида хусусийлаштириш ва тадбиркорликка кўмаклашувчи комиссия тузилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Маънавият

БИРИНЧИ УНИВЕРСИТЕТ ҲАҚИДА СЎЗ

СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Гулистондаги вилоят мусиқали театр биносида ТошДУнинг 75 йиллигига бағишланган учрашув бўлди.

Унда шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳамда меҳмонлар иштирок этдилар. Университет ва унинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни ҳақида йиғилганларга вилоят ҳокимининг муовини Собир Усмонов, ТошДУ ректори Тўхтамурод Жўраев, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва бошқалар гапириб бердилар.

Абдужалил УМАРОВ.

Ислоҳот

НИКОҲ УЗУКЛАРИ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Олтинтопарлар шаҳри Зарафшонда ташкил этилган «Зарифпарк», «Агама», «Каркаралл» каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эътиборга лойиқ бўлиб турибди.

Ўтган йили вилоятда 96 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлигида қурилган «Зарифпарк» қўшма корхонасининг бугунги кунда 30 турдаги олтин зираклар, тақинчоқлар, исирға ва бўйин занжирлари ишлаб чиқараётганидан аҳоли мамнун эди. Яқинда бу ерда никоҳ узуклари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун АҚШ ва Японияндан мукаммал технология ва асбоб-ускуналар келтирилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Савдо хизмати

ОШХОНАДА НОН ТЕКИН

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Боғишамолдаги «Интизор» ҳиссадорлик жамиятининг «Роҳат» қаҳвахонаси жамоаси анчадан буён нон қоқисини столга бепул қўймоқда.

— Илгари кўплаб нон булаклари исроф буларди ёки уни ёрдамчи хўжаликка етказардик,— дейди қаҳвахона раҳбари З. Шафоев. — Энди бу ризқурузни қотириб тушликда дастурхонга тортяпмиз. Бу таом учун хўрандалардан пул олинмайди.

Фармон ТОШЕВ.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатда юз берган улкан ўзгаришлар теран таҳлил қилиниб, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилгани қайд этилди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг мураккаб ўтиш даврида қонун, ҳуқуқ-тартибот устиворлигини таъминлагани, жиноятчиликнинг кучайиб кетишига йўл қўймагани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, эришилган натижаларга қарамасдан, хотиржам бўлишга ҳали асос йўқлиги уқтириб ўтилди.

АДОЛАТ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин, демократик жамият қуришдек, давлат ва жамият ҳаётида қонун устунлигини таъминлашдек улкан вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари зиммасига катта масъулият юклангани, бу идоралар ходимларининг касб маҳорати ва аҳлоқий сифатларига бўлган талабни кескин ошириш хусусидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб берилди. Зеро, қонун устиворлигини таъминлашдек муҳим, масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифани бажаришда кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу идораларда билимли, ҳалол, виждонли, ташаббускор, қонунбузарликларга нисбатан муросасиз ходимлар ишласагина кутилган самарага эришиш мумкин. Шу маънода, республика ҳукуматининг ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятига доимо катта эътибор бериб келаётгани бежиз эмас.

Топширилган вазифа учун масъулиятни ошириш, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъуллик туйғусини уйғотиш, ходимларнинг ўз бурчига садоқатини, касб маҳорати ва ахлоқий сифатларини, қисқа айтганда, эгаллаб турган лавозимига муносиблиги масаласини ўрганиш мақсадида тузилган алоҳида аттестация комиссияси иштирокида бевосита жойларга бориб, прокуратура идораларининг барча поғоналарида хизмат қилаётган ходимлар фаолиятини ҳамма ходимлар гувоҳлигида, ошкора тарзда, чуқур ва талабчанлик билан ўрганди. Ходимларнинг прокурор назоратининг барча йўналишлари бўйича амалга ошираётган ишларининг сифатига ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолати ва жиноят учун жазонинг муқаррарлигини, унинг қилинган жиноятга мутаносиблигини таъминлашга, умуман, қонун бузилиши ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятининг самарадорлигига алоҳида эътибор берилиб, ҳар бир ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлигига холисона баҳо берилди. Хизмат бурчларини виждонан, ҳалол бажараётган бир қанча ходимларнинг ижобий иш тажрибалари оммалаштирилиб, узлари рағбатлантирилди. Шунингдек, ҳозирги давр талабига жавоб беролмаётган 20 нафар ходим лавозимига нолойиқ деб топилиб, вазифасидан озод қилинди. Ташаббуссиз, лоқайд 6 нафар ходим умуман прокуратура идораларидан бутунлай бўшатилди, 70 нафардан ортиқ прокурор-тергов ходимига эса ишда йўл қўйган камчиликларни бартараф этишга имкон бериш мақсадида ишни яхшилаш шарти билан синов муддатлари белгиланиб, фаолиятлари назоратга олинди.

Бу Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида, бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади... Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тўғрисида қонун қабул қилиш, унда бу органларда кимнинг ишлашга ҳаққи бор, у қандай хусусиятларга эга бўлиши керак, унинг жавобгарлиги ва мансаб пиллапоясидан кўтарилиш шартлари ўз аксини топиши керак. Мазкур органларга қўли эгри, порахўр, виждонсиз кимсалар кириб қолишини бартараф этадиган тизимни қонун йўли билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир, деган фикрларининг нақадар ҳаётий эканини кўрсатади. Биз ана шу фикрни кўзда тутган ҳолда тадбирлар белгиладик ва прокуратура идораларига мутахассисларни танлаш, ишга қабул қилиш, тарбиялаш тизимини ишлаб чиқдик. Ишонаманки, бу прокуратура идораларини маънавий юксак, ўз нуқтаи назарида тура оладиган, касбига садоқатли, ҳалол, виждонли ходимлар билан тўлдириш имконини беради.

Дарҳақиқат, иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффақияти, аввало, кадрларнинг бугунги ўзгаришларни теран англаб, ҳаётга татбиқ эта олиш лаёқатига боғлиқдир. Бунинг учун эса уларнинг малакасини ошириб бориш биринчи галдаги вазифа экани ҳисобга олиниб, прокурор назоратини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида мунтазам ўқув машғулотлари ўтказишни йўлга қўйдик.

Март ойида прокуратура ходимлари иштирокида иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларидан келиб чиқадиган хўжалик,ижтимоий ва экология соҳаси бўйича қонунчиликдаги янгиликлар, уларнинг аниқ ижроси устидан назоратни амалга ошириш услублари ҳамда 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларини амалда қўллаш юзасидан махсус дастурга асосан ҳудудий ўқув машғулотлари ўтказилди.

Машғулотлар дастурига Президентимиз томонидан белгилаб берилган асосий йўналишлардаги, яъни: бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин, очиқ, демократик давлат қуриш, иқтисодий муносабатларни демократиялаш, фуқаролик жамиятини қуриш, мулкни хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва бозор муносабатларини жорий этишга қаратилган қонун ҳамда кафолатлардан тўла фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш, янги даврга қадам қўйишда маънавиятни юксалтириб бориш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудида барқарорликни, миллий хавфсизликни таъминлаш тамойилларини амалга оширишда прокуратура органлари олдида турган вазифалар асос қилиб олинди.

Ўқув дастурини тузишда прокуратура идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг қарийб учдан бир қисми ёш мутахассислар экани, улар Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин иш бошлагани ҳам эътиборга олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида кўзда тутилганидек, кимга буйсунишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш тўғрисидаги вазифани мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳамда ҳуқуқий янгиланиш даврида амалга оширишга тўғри келаётгани ҳам ушбу ўқув машғулотларини ўтказишга зарурат туғдирди.

Машғулотларда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни тезлаштирувчи қонун ва ҳуқуқий механизмлардан тўла фойдаланган ҳолда жамиятнинг олга силжишига, хусусий тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш ҳозирги босқичда прокурорлар олдида турган муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланди.

Ҳудудий ўқув машғулотлари Тошкент, Андижон, Самарқанд, Урганч ва Қарши шаҳарларида уюштирилиб, уларга барча вилоятларнинг прокуратура ходимлари жалб этилди. Машғулотларда республика халқ хўжалигининг етук иқтисодчи мутахассислари, олимларнинг иштирок этиши бу машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишини таъмин этди.

Хусусан, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни амалга ошириш вазифалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳузуридаги илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Б. Беркенов мазмунли машғулотлар ўтказди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер (деҳқон) хўжалиги ва хусусий ферма тадбиркорлари фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи, академик Ж. Медитуллаев, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори А. Исмоилов, Қарши агроиқтисод институти доценти, иқтисод фанлари номзоди П. Пулатов, Фарғона Давлат университетидан иқтисод фанлари номзоди О. Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди Т. Фармонов маъруза қилдилар ва бу борадаги сиёсат ва амалдаги қонунларни тушунтиришда фаол иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг етук мутахассислари иқтисодий ислоҳот ва бозор муносабатларини ривожлантириш учун тегишли қонунларнинг аниқ ижросини таъминлашдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар мавзуида машғулотлар ўтказдилар. Атроф-муҳит, экологияни соғломлаштириш қонун аралашувига муҳтожлиги, бу қонунлар ижросини таъминлашда давлат қўмитаси ва прокуратура ходимларининг ҳамкорлиги мавзуида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг муовини Ш. Исломов мазмунли маърузалар билан қатнашди.

Умумий назорат соҳасида ўтказилган машғулотларда прокурорлик назорати услублари ва уни такомиллаштириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар тўғрисида республика прокуратурасининг малакали ходимлари В. Қосимов, М. Ниёзметов, Б. Набиев, Н. Й. Фарзалиев ва бошқалар гапириб берди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги янги кодекслари юзасидан ўқув машғулотлари республика прокуратурасининг тажрибали мутахассислари Б. Пулатов, В. Тошхўжаев, С. Қурбонов, М. Исомитдиновлар раҳбарлигида ўтди. Бу машғулотлар республикамиз мустақиллигини ҳимоя қилиш жараёнида ишга бўлган муносабатини ўзгартиришга хизмат қилади. Прокуратура ходимлари фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тизимига нисбатан тажовузларга, жамиятдаги барқарорликка халақит беришга, суиистеъмоллик, ҳўжасизлик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга тўғаноқ бўлишга қарши қатъият билан кураш олиб боришга руҳлантиради.

Жамиятимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунбузарлик ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Ўтган йили республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида назорат тартибида ўтказилган текширишлар натижасида мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинган, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатига жиддий путур етказиши мумкин бўлган беш мингдан зиёд қонунсиз буйруқ ва қарорлар аниқланиб, прокурор протестига асосан бекор қилинди. Буларнинг аксарияти давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ ва ер тўғрисидаги қонунлар талабларига, шунингдек, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларига зид равишда қабул қилинган ҳужжатлардир. Прокурор тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларига, улар фаолиятида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тўққиз ярим мингдан ортиқ тақдимнома, тўрт минг тўрт юз талабнома юборди. Ун уч мингдан зиёд мансабдор шахс қонун талабларини бузгани учун прокуратура органларига такдиф этилиб, расмий равишда огоҳлантирилди.

Прокуратура идораларининг талабларига кўра, тўққиз мингдан зиёд шахс интизомий, тўрт минг шахс маъмурий, беш минг етти юзта қонунбузар эса моддий жавобгарликка тортилди. Қасддан жиноят содир этган 1570 шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахслар суд жавобгарлигига тортилди. Давлат ва жамият ташкилотларига етказилган 11,6 миллион сўмлик зарар айбдорлар ҳисобидан ундириб олинди.

Мамлакатимизда кўп қирралі ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда прокуратура идоралари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият юритиб, жамиятда таъсирчан кучга айланмоқда. Демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиш жараёнида ўзига муносиб вазифани бажармоқда.

Ўйлаймизки, адолат ва ҳақиқат ғояси прокуратура идоралари фаолиятининг бош йўналиши бўлиб қолади. Иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларини ривожлантириш манфаатлари, фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уйжой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари ана шу замонга таяниши зарурлигини ҳис этган республика прокуратураси идоралари ходимлари хотиржамликка берилмай фаол меҳнат қиладилар. Шунда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ҳуқуқий давлат қуришга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Сирожиддин МИРСАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари.
(ЎзА).

Бундан бир неча йилча муқаддам Янгийўл шаҳридаги ёғ-мой комбинати очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, ҳар бирининг қиймати 100 сўм бўлган бир неча минг дона акциялар сотувга чиқарилган эди. Бу акцияларнинг 51 фоизи давлат, 46 фоизи корхонанинг меҳнат жамоаси ва 3 фоизи Янгийўл пахта заводи томонидан харид қилиб олинди.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида бу ерда бир қанча ўзгаришлар содир бўлди. Аввало, маҳсулот турлари ва уларни ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада қўпайиши туфайли ишчилар манфаатдорлиги бирмунча ошди. Комбинатнинг бир неча цехларида қайта таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши натижасида эса совун тайёрлашни ойига 1200 тонна ўрнига 1300 тоннагача, ёғ ишлаб чиқаришни 1835 тонна ўрнига 2056 тоннагача ўстиришга эришилди. Ҳозирда корхонанинг умумий товар ишлаб чиқариш ҳажми бир кварталда 55 миллион сўмликдан ортиқни ташкил этмоқда.

Яқинда корхонада полиэтилен идишлар ва қопқоқлар тайёрловчи цех ва суюқ совунни целофан пакетларга жойловчи автомат линия фойдаланишга топширилган эди. Бу эса маҳсулот тайёрлашнинг янада кенгайишига олиб келмоқда. Келажакда тозаланган ёғни идишларга қуядиган автоматни, полиэтилен плёнка тайёрлайдиган ва ишлатишга яроқсиз полиэтилен идишлар ҳамда целлофан пакетларни қайта ишловчи линияларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. (Юқорида) ҳиссадорлик жамияти директори Маҳаматжон Худоёров ва бош механик Сайлов Сафиевлар ўзаро фикр алмашмоқдалар. 2. (Пастда) илғор ишчи Насиба Устабоевани кўриб турибсиз.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Бошланғич партия ташкилотларига ёрдам

АСОСИЙ МАНБА

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзусидаги маърузаси вилоятимизнинг шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларида ўрганилмоқда. Хўш, шу йиғилишлар номига ўтказиляптими?Партиядошларимиз маъруза матнини юракдан тушуниб етяптиларми? Унинг асл моҳиятини қандай англашяпти?

Маърузанинг баъзи жиҳатларига бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг эътиборини қаратмоқчиман. Хўш, сиёсий истиқбол тамойиллари нималардан иборат?

Барпо этаётган жамиятимиз давлат қурилиши соҳасидаги миллий анъаналаримиз ва бошқа халқлар эришган тажрибаларга асосланади.

Миллий анъаналар деганда нимани англаймиз?

— Давлат ишида юксак маънавият, ахлоқийликни;

— адолатпарварлик, маърифатпарварликни;

— демократик жараённинг узвий равишда ва астасекин тараққий топишини;

— ҳамжиҳатлик ғоясини, жамоатчилик фикрининг устиворлигини назарда тутамиз.

Фуқароларимиз давлат миқёсидаги фикрлашни ўрганмоғи лозим. Бунинг учун вақт, изчил тарғибот керак. Шу кунларда одил ва маърифатли, ахлоқли кишиларга суяниб иш кўришимиз лозим. Боболаримиз шундай қилишган.

Давлат қурилишида биз қўллашимиз мумкин бўлган халқаро миқёсда эътироф этилган тажрибалар нималардан иборат?

Бу:

— давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги;

— унинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши;

— тайинлаш йўли билан шакилланадиган давлат органларининг сайланма ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва ҳоказо...

Айтиш керакки, жаҳон давлатчилиги тажрибасига таянишнинг ўзи ижобий ҳол.

Хўш, юқорида қайд этилган тамойиллар жамиятда ўзини қандай намоён этади? Яъни ижтимоий истиқболимиз қандай бўлади?

Бу:

— инсоннинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳамда уни амалга ошириши;

— озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши;

— барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги демакдир.

Яна бир нарсани тушуниш муҳим. Фуқаролик жамияти дегани нимани билдиради? Бундай жамият:

— давлат;

— мудофаа, давлат хавфсизлиги;

— ташқи сиёсат;

— пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш;

— қонунчиликни ривожлантириш билан шуғулланади. Қолган вазифаларни эса фуқароларнинг ўзи бажаради.

Маърузанинг иқтисодий истиқбол хусусидаги моҳиятини англашдан аввал баъзи мулоҳазаларни айтиш ўринли. Бизнинг давлатимиз ўтиш даврида асосий жиловни, яъни иқтисодиётни бошқаришни қўлдан бермади. Шу боис барқарор вазият, умумхалқ келишуви, аҳиллик мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Оқилона, вазмин сиёсат туфайли собиқ ягона иқтисодий майдоннинг барҳам топганлиги билан вужудга келган салбий оқибатлар бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан бизда камроқ сезилади.

Валютамизни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Саноат ривож топяпти, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келиш кескин камайди.

Ислоҳотларимиз муваффақиятларини тан олган Халқаро валюта фонди Ўзбекистонга биринчи имтиёзли кредитни берди. Хуллас, иқтисодий ўзгаришларни режали, изчил олиб боряпмиз. Тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимиз раҳбариятига ишонч, қонуний кафолат хорижий сармоядорларни юртимизга жалб қилмоқда. Бу замин Амир Темур давридан кейин ўтган вақтга қадар ҳозирдагидек нуфузга эга бўлмаган бўлса керак.

Ўзбекистон қисқа давр ичида мустақилликнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш соҳасидаги ўзига хос, шу билан бирга ибратли йўлини босиб ўтди. Юртбошимиз белгилаб берган тараққиётнинг беш тамойили нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Хўш, бу борада келажакда нималар ривож топади?

Бир вақтлар биз учун ёт бўлган «мулк эгаси» ибораси ҳаётимизга кириб келди. Лекин, назаримда, айрим тадбиркорлар ҳали ўз кучларига, истиқболларига ишонишмаяпти. Шунинг учун юртбошимиз мулкий муносабатнинг моҳиятини тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат, деб бежиз айтмади. Дарҳақиқат, мулкий муносабат жамият негизини белгилайди. Қуръони каримнинг «Мулк» сурасида «Қўлида мулк бўлган зот табаррук ва у ҳамма нарсага қодирдир» дейилади. Гарчи бу Аллоҳга ишора бўлса-да, бандаси учун ҳам катта ибратдир.Мураккаб технология юксак ақлни талаб қилади. Ишлаб чиқариш қисматини ҳал қилувчи бир тизим борки, бу банк, молия, кредит силсиласидир. У ишлаб чиқаришга тўсиқ бўлмасин, аксинча, рағбатлантирилсин. Айниқса, шу соҳада ишлайдиган ходимларга талабни кучайтириш зарур.

Бошланғич партия ташкилотларининг котиблари тарғибот-ташвиқот ишларини шундай ташкил этишлари керакки, кишилар ислоҳотлар моҳиятини теран тушунсинлар, уларда Ватанимиз истиқболи гуллаб-яшнашига ҳеч шубҳа бўлмасин. Лоқайдлик, боқимандалик кайфиятини мустақиллигимизнинг ички ғаними, деб тушунсинлар.

Ўрганилаётган ҳужжатда «Юксак маънавият — келажак пойдевори» деган алоҳида боб бор. Бу масаланинг ниҳоятда муҳимлигини кўрсатади. Юртбошимиз кичкинтой болаларимиз учун миллий руҳдаги фильмлар яратишни таъкидлади. Баъзилар назарида бу жўн ёки кичик масаладек туюлади. Ваҳолонки, бу долзарб масала. Она-Ватанга муҳаббат туйғулари болаликда куртак отилса, улғайганда ўз мевасини беради.

Баъзи нашриётларнинг «Китобнинг ғоявий савияси»ни ошириш, ёшларимизнинг ҳаётини ёритиш, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган, ҳаётий, ҳаётбахш, ҳаётсевар, ҳаётий ҳақиқатлар ва ҳаётий ҳаёлларга ҳамда ҳаётий ҳаваслар ва ҳаётий ҳаваскорлик ва ҳаётий ҳаваскорлиги ва ҳаётий ҳаваскорлиги ва ҳаётий ҳаваскорлиги

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ҚОНУНЛАРДА КАФОЛАТЛАНГАН ИСТИҚБОЛ

Мустақиллик йилларида алқаро ҳуқуқий демократик тамойилларни ўзида мужассам қилган, ижтимоий адолатни қонун даражасига кўтарадиган, жаҳон иқтисодиёти қонуниятлари ва талабларига биноан соғлом рақобат асосида ривожланадиган маърифий бозор хусусиятларидан таркиб топган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш ларзаларсиз, аниқ ҳисоб-китоблар ва маърифатпарварлик асосида ҳуқуқий тадбиркорлик воситасида кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилинди. Улар шу бугунги кунда мустақил иқтисодиёт учун ишламоқда. Белгиланган мақсадларга етишда, энг муҳими, Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида ҳукуматимиз томонидан ҳаётга тадбиқ қилинаётган ислоҳотларнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлигига эришишда ҳал қилувчи ҳуқуқий

Олий Мажлиси ва унда кўтарилган масалалар, шунингдек, юртбошимиз томонидан мамлакатимиз келажак истиқболларини белгилайдиган, ўзида мантиқан дастурий характерга эга бўлган, ислоҳотларимизни мазмунан иккинчи босқичга кўтаришни таъминлайдиган амалий ва назарий жиҳатдан асосланган «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари»га бағишланган маъруза-

омиллардан бири ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси республикамизда тинчликни, иқтисодий барқарорликни, миллатлараро тотувликни, ҳурфикрликни, ижтимоий муҳофазани, ҳуқуқий тенгликни, иқтисодий эркинликни, мулкий дахлсизликни, қонуннинг устиворлигини, меҳнатнинг кафолатланганлигини ва мустақиллигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий таянчи бўлган Конституциямизнинг дунёга келиши ва ҳозирги кунда амалда бўлишлиги таъминланганлигидир.

Тадбиркорлик — мамлакатимизда амалдаги Конституцияга мувофиқ Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига асосланган миллий, халқчил, мўъжизакор иқтисодиётини шакллантирадиган табиий бойликлари ва илмий, маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий салоҳиятининг мавжудлигидир.

Ҳуқуқий тадбиркорлик — хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асосларини бозор иқтисодиёти талабларига биноан яратилганлиги, шунингдек, хусусий мулк шакли қонуний ҳаракати ва иқтисодий-сиёсий муносабатларда унинг дахлсизлигини Асосий Қонунга биноан жамиятда таъминланганлиги, қонун ҳимоясида эканлиги ва хусусий мулкдорнинг манфаатлари, хусусий корхоналарнинг ташкилий, ҳуқуқий масалалари ҳамда хусусий корхоналарда меҳнат ва ёлланма меҳнат муносабатларини жорий қонунларда ўтиш даври талаблари даражасида акс эттирилганлиги ёки мустаҳкамланганлигидир.

Ҳуқуқий тадбиркорлик — чет эл сармояларини хусусий секторга жалб қилишнинг давлат кафолатининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга изчиллик билан тадбиқ қилишдир.

Мамлакатимизда Асосий Қонун талабларига биноан таркиб топаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳуқуқий жамиятда демократик қонунчиликнинг ўрнатилишига хизмат қилиш билан биргаликда уни юксалтиришга, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маърифий, маънавий ва мафкуравий онгни шакллантиришга беқиёс хизмат қилиб, моддийликдан маънавийлик сари интилишга шарт-шароитлар яратмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги боис демократик қонуниятлар ва қонун талабларига биноан таркиб топган Ўзбекистон Республикаси

навий иш жойлари билан таъминлаш, фермер-деҳқон хўжаликларини шакллантириш, уларнинг хўжалик субъекти сифатида мустақиллигини тобора кенгайтириш, жаҳон андозалари асосида озиқ-овқат ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган янги манбаларни яратишдир. Бу бугунги кунда давлатимиз, халқимиз ва тадбиркорларимиз олдида ечими изланадиган, таҳлил ва тадқиқот қилинадиган муаммолардан бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ва ҳукуматимиз Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда истиқомат қилишлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик тармоқларида иқтисодий ислоҳотларни самарали якунлашга жиддий эътибор бермоқда ва қишлоқ хўжалик тармоқлари иқтисодиётини юксалтириш учун қатор Фармонлар ва қарорларни қабул қилди.

Чунки мамлакатимиз қишлоқ хўжалик тармоқларида иқтисодий ислоҳотлар биз кутгандек якунланмаса, биринчидан ғалла мустақиллиги, иккинчидан, иқтисодий ислоҳотлар давлат томонидан тасдиқланган дастурлар асосида амалга ошмайди, учинчидан, озиқ-овқат мустақиллиги таъминланмайди.

Ўзбекистонда яна бир ҳуқуқий молиявий ижодкорлик воситасида давлатимизнинг солиқ сиёсатини такомиллаштирилган усулда шакллантиришни ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий жиҳатдан меъёрига етказиш шу бугунги масъулиятли даврнинг кечиктириб бўлмайдиган талабидир. Фуқароларни, жисмоний шахсларни, тадбиркорларни ва хорижий шерикларни мулкчилик шаклидан қатъи назар иқтисодий фаолиятлар натижасида олинган даромадидан, шунингдек қонунларда белгиланган солиқларни давлат хазинасига туширишнинг самарали усуллари, услубларининг ҳуқуқий негизларини янги талаблар асосида такомиллаштириш эвазига мулкдорларни давлат солиғини топширишни инсонийлик, фуқаролик бурчи сифатида англаши, унинг қонун талаби эканлигини тушуниши ҳамда ҳар биримизнинг келажакда фарзандларимизни ҳам давлат солиғини белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаш мустақил Ватан олдидаги масъулиятига айлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, маърифий ва маънавий тарбияни изчил йўлга қўйишимиз лозим.

Келажакда ҳаётимизни фаровонлаштиришни назарда тутиб, амалиётга тадбиқ қилинаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишлари мамлакатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганидек, ларзаларсиз, хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларига шикаст етказмасдан, уларнинг конституцион ҳуқуқларини бузмасдан амалга ошаётганлигининг гувоҳимиз.

Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон миллий даромадининг пасайиш суръати МДҲ давлатларига нисбатан 2 маротаба камлиги мамлакатимизда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан ҳаётга тадбиқ қилинаётганлигининг натижаси бўлиш билан биргаликда, туб маънодаги янгиланишларнинг Асосий Қонунимизга асосланганлигидан далолат беради.

Ватанимиздаги ҳуқуқий ислоҳотлар боис жамиятимизнинг демократиялаштириш, ҳурфикрлиликни шарқона одоб, ахлоқ, миллий ҳулқ, миллий маданият ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига монанд тарзда амалга киритилаётганлиги туфайли иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва фуқаролик муносабатлари давлат сиёсати билан уйғунлашмоқда.

Чунки ҳар қандай тараққиёт соғлом ақлга таянган меҳнатга, минтақадаги осойишталикка, тинчликка, ўзаро иқтисодий, тенг манфаатли ҳамкорликка, сармояларнинг қонуний айланишига, хусусий тадбиркорликнинг давлат ҳимоясига олинишига, уларнинг иқтисодий фаолиятларини рағбатлантирилишига, шунингдек илғор фан ва техника, янги технология ютуқларини ижтимоий, иқтисодий ҳаётга жорий қилингандагина ҳамда замонавий меҳнат шароитлари яратилиб, қилинган меҳнатга, ижодга, бозор қонуниятларига кўра ҳақ тўлангандагина таъминланади. Бунга тараққиётга эришган мамлакатларнинг ривожланиш йўли гувоҳдир.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчилик муносабатларида ижобий сифатларга эришишнинг ҳуқуқий асослари Конституцияга мувофиқ яратилган, ана шу ҳуқуқий йўлланмалардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун жамиятдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларини ташкил қилувчи инсонлар, тадбиркорлар ва раҳбарларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, бошқарув онгини, маданиятини, маънавиятини, мафкурасини замон талаблари даражасида бўлишлигига эришиш шу бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлар билан банк ўртасидаги молиявий муносабатларни соддалаштириш, кичик ва ўрта ишлаб чиқариш фаолиятларини кенгайтиришни мақсад қилган имтиёзли кредит ва солиқ тизимини шакллантириш, чет эл сармояларини кичик, хусусий секторга жалб қилиш дастурларини ишлаб чиқишга ва уни ҳаётга жорий қилишга эришиш йўналишларини ҳал қилиш ҳукумат даражасида ҳал этиладиган масалалардандир. Янги иш бошлаган парламентимиз ҳуқуқий ислоҳотлар йўлида иқтисодиётни фаоллаштириш ва соғломлаштириш, хусусий мулкчиликни тобора ривожлантириш, чет эл сармояларидан унумли фойдаланишни назарда тутган Қонунларни яратадилар ва тараққиётга элтувчи Фармон ва қарорларни тасдиқлайдилар.

Демак, Конституциямизга биноан Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлайдиган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт қонунлари қабул қилинади ва уларни ҳаётга жорий қилиш асосида жаҳон иқтисодиётида ўз манфаатларини ирода этиб, иқтисодий фаолиятларини ташкил қиладиган мустақил Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиёти вужудга келтирилади. Натижада ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлардан мақсад қилинган Ватанимизнинг буюк келажаги яратилади, яъни халқимиз истаган маърифатлашган, фаровонлашган, ҳуқуқий демократик, одил, инсонпарвар, меҳнатсевар жамиятга асос солинади.

Ривоятларда нақл қилишича, фарзандлари келажагини баркамол бўлишлигини истаган, уларнинг озод, эркин яшашини мақсад қилган ота ва оналар ўзларининг баъзи бир ҳавасларидан кечиши лозим бўлган. Биз билан сизга ана шундай шарафли, ўта масъулиятли бахт ато этилди. Бизни эса ушбу саодатли бахтни авлодларга мустаҳкам қилиб етказишимиз бугунги кунда онгли, самарали, ҳалоллик, ростлик, поклик, тадбиркорлик билан қилинадиган меҳнатимизга боғлиқ. Юқорида таъкидланган саодатли бахт Ватанимизнинг мустақиллигидир.

Улаш УМАРОВ,
ҳуқуқшунос.

Фан ва ишлаб чиқариш

ЧОРВА ГЕНЕТИКАСИ

ёки қорамол маҳсулдорлигини ошириш имкониятлари хусусида

Кейинги йилларда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида тармоқ миришкорларининг бироз бўлса-да оғирини енгил қилиш мақсадида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Бунда имлгоҳнинг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари генетикаси бўлимида юртимиз шароитига мослашган қорамол «тизим»ларини, хиллари ва зотларини яратиш борасида бир қатор илмий изланишлар ўз самарасини бермоқда.

Ушбу илмгоҳнинг бўлим мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Серго ШОДМОНОВ билан мухбиримизнинг суҳбати ана шу хусусда бўлди.

— Ҳар соҳанинг ўз ташвиши, муаммолари, шу билан бирга самара беражак омиллари бўлади. Чорвачилик ҳам худди шундай. Суҳбатимизни ана шу соҳани бундан кейин қай йўсинда ривожлантириш хусусида бошласак.

— Маълумки, чорвачиликни ривожлантириш биринчи навбатда мустаҳкам озуқа негизини яратишга ва сифатли озуқа тайёрлашга боғлиқ. Лекин шуни қайд этиш керакки, ҳозирги пайтда республикамиз хўжаликлари озуқанинг 70-80 фоизи билан таъминланган, холос. Ачинарлиси, тайёрланаётган озуқанинг 20-25 фоизи қуввати пастлигича қолмоқда. Бу эса ўз-ўзидан маълумки, қорамоллар маҳсулдорлигини тўла юзага чиқариш имкониятини бермаяпти.

Иккинчидан, қочириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Аксарият ҳолларда бунда насл сифати ҳисобга олинмаяпти. Натижада моллар етарли вазнга эга бўлмаяпти. Кейинги йилларда бу сут маҳсулдорлигига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Кўриниб турибдики, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда генетика фанининг аҳамияти паст. Кўплаб наслчилик хўжаликларида селекция ишларини ташкил этишда хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари бунга эътиборни қаратмаётирлар.

— Серго Иброҳимович, умуман, чорва генетикаси, бу фаннинг заҳматкашлари, унинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Генетика фанининг бошланғич даврида авваламбор олимлар ген моддасининг борлигини ўсимликларда исбот этганлар ва уларнинг ўсимлик хусусиятларига таъсирини ўрганишган.

Чорва генетикасига келсак, бу анча ёш соҳа. Мен иммуногенетика ёки бошқача айтганда, қон генетикасига тўхталмоқчиман. Бу ишга биринчи бўлиб Америка олимлари Фергюсон, Стормонт, Ирвинлар қўл уришган. Улар 1940 йилда қорамол қон эритроцитларида бўлган бир нечта антиген моддасини очишга муваффақ бўлганлар.

1965 йилдан бошлаб мен ҳам шу илмий изланишлар устида ишлай бошладим. Режалаштирилган илмий тадқиқот ишларини якунлаб, 1980 йилда диссертацияни Москвада ёқлаб, қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлдим.

Биз томондан яратилган генетик усулни республика наслчилик хўжаликларида кенг жорий қилиш учун Қишлоқ хўжалик вазирлиги қошида генетик ишлаб чиқариш лабораториясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

— Айтингчи, чорвачилик соҳасида сиз ўтказаётган тажрибалар қандай самара бераётир?

— Қорамолларнинг маҳсулдорлиги, уларнинг ҳар хил хусусиятлари, касалликларга чидамлили ё чидамсизлиги, ташқи муҳит таъсирига бардошлиги уларнинг генотипда (тасида) бўлган генларга боғлиқ.

Ҳозирда мавжуд молларнинг қандай зотлардан тарқалганлигини текшириш мақсадида лабораториямизда генетик усул яратилган. Республикамизда бу борада 12 та етакчи наслчилик хўжалигида ишлар амалга оширилмоқда. «Савай», «Чиноз», «Малик», «Гулистон» сингари хўжаликларда қорамолларни кўпайтиришга, айниқса, катта эътибор берилмоқда.

Сўнгги йилларда хўжаликларга ёрдамимиз натижасида подалар юқори маҳсулдор, наслли моллар билан тўлдирилди. Ҳозирги кунда олимларимиз навбатдаги генетик усулни яратиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бу — молларнинг маҳсулдорлигини олдиндан аниқлаш усули.

— Чорвачиликни янада сердаромад соҳага айлантириш учун нималар қилиш, қандай ибратли ишларни амалга ошириш лозим?

— Буни қисман юқорида айтиб ўтдим. Чорвачиликда озуқа негизини мустаҳкамлашда, йилига ҳар бир сигир ҳисобига камида 40-50 центнер озуқа бирлигини етиштиришга эътиборни қаратиш жоиз. Хўжаликларда насл олиш ишларига эътиборни кучайтириш ҳам лозим.

Учинчи бир муҳим масала, наслчилик хўжаликларида генетика фанининг ютуқларидан кенг фойдаланиш керак. Чунки, мен юқорида айтганимдек молларнинг қон гуруҳлари ва оқсил типлари билан уларнинг маҳсулдорлиги ўртасида узвий боғланиш мавжуд.

Қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, илмгоҳимизга қарашли наслчилик хўжалигимизда ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш, бу соҳада ҳам тезроқ тўла комьютерларни жорий этиш, мутахассисларни қайта тайёрлаш масалаларига, илғор тажрибаларни ўрганиш учун ривожланган мамлакатларга тармоқ ходимларини хизмат сафарларига юборишга эътиборни қаратишимиз лозим. Булар албатта келажакда чорвачилигимизни ривожлантиришда ўз мевасини беради, деб ҳисоблайман.

Генетика усуллари селекция-наслчилик ишлари билан бирга қўлланилганда шубҳасиз юқори самара беради. Бу масалани менинг сафдошларим — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, лаборатория мудири Муродилла Аширов ва қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, лаборатория мудири Кенжа Мадаминов жуда яхши тушунадилар. Шунинг учун илмий изланишларимизни мана шу олимлар билан ҳамкорликда кўп йиллардан бери бирга олиб бормоқдамиз. Ҳозирги кунда улар шогирдлари билан бирга генетика усули натижаларидан фойдаланиб яратган, Ўзбекистон шароитига мослашган, юқори маҳсулдор қора-ола ва қўнғир қорамол хиллари кўп йиллик селекция наслчилик ва генетика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг натижасидир.

Айни кунларда олимлар яна бир муҳим усул — «Қорамолларнинг маҳсулдорлигини олдиндан аниқлаш» ёки сигирларнинг сутдорлигини бузоқлик даврида олдиндан айтиш усулини яратиш устида қизиқарли илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Суҳбатдош:
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЯРИМ АСРДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходими, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Эгамберди Ҳакимов яқинда тарғибот гуруҳи таркибида Фарғона водийси вилоятларида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган учрашувларида бўлиб қайтди. Қува туманидаги мулоқотлардан бирида шу ерлик қуролдош дўсти Ҳусанбой Умаров билан орадан ярим аср ўтгандан сўнг дийдорлашди. Қуролдошларнинг ҳаяжонли бу учрашуви барчанинг қалбига қувонч бахш этди.

СУРАТДА: қуролдошлар Эгамберди Ҳакимов ва Ҳусанбой Умаров.

Б. АБДУРАҲМОНОВ олган сурат.

Эл яхшиликни унутмас

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Умр оқар дарё деганларидек, фашист босқинчилари устидан қозонилган тарихий ғалабага ҳам ярим аср бўлди. Қаттол уруш қанчадан-қанча азиз кишиларнинг ёстиғини қуритди. Минглаб келинларнинг кўз ёши, миллионлаб фарзандларнинг ота дийдорига тўймаганлигини айтмайсизми?

Республикамиз уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамон турли соҳаларда тинмай меҳнат қилиб келяптилар. Буни «Ветеран» корхоналари республика бирлашмаси иш фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Барча вилоятлардаги туманларда фахрийларимиз уюшмаларига бирикиб, ширкатчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Шу йилнинг ўзидаёқ жойларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, деҳқончилик ишлари, фермерчилик, савдо ва маиший хизмат соҳаларида кўплаб кичик корхоналар ташкил этилди.

«Ветеран» уюшмаси ўзининг фахрийлар меҳнатини ташкил этишга мўлжаллаган низомига эга. Бунга мувофиқ фахрийлар тўла бўлмаган иш куни шароитида меҳнат қиладилар. 1991 йилда республикамизда фахрийлар корхоналари сони 81 та бўлган бўлса, ўтган йилнинг охирига келиб 414 тага етди. Уларда ишловчилар сони эса 1610 нафардан 4871 кишига кўпайди. Шулардан 2790 нафари нафақахўрлардир.

Уюшма корхоналари даромади йил сайин кўпайиб бораётганлигини айтиш жоиз. Ўтган йили истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича салкам 40 миллион сўмлик иш бажарилди. Олинган фойда 18 миллион сўмга етди. Кичик корхоналар ва фермер-деҳқон хўжалиги, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш корхоналарининг аксарияти рентабелли ишламоқда. Уларнинг аксариятига кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган, оқ-қорани таниган отахон ва онахонларимиз раҳбарлик қилишмоқда. Ходимларнинг ярмидан кўпи нафақахўр фахрийлардир. Ишбилармон ва тадбиркор фахрийларимиз ёшларга ҳар тарафлама ибрат бўлмоқдалар. Уларнинг ишлари корхоналарда катта тарбиявий аҳамият касб этяпти. Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди, деганлари шу-да!

— Яратганга шукрлар бўлсинки, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, «Ветеран» корхоналари уюшмаси фаолларидан бири Сирожиддин ота Орипов, — Президент Ислом Каримов, республика ҳукумати биз фахрийларга ҳамиша катта ҳурмат ва эҳтиром ила қараб келмоқда. Юртбошимизнинг Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан эълон қилинган Фармонлари фахрийларимиз учун талай имтиёзлар беради. Уларга «Шуҳрат» ва «Жасорат» медаллари топширилмоқда. Фахрийларнинг нафақалари оширилди. Барча ғамхўрликлар биз кексаларнинг кўнглини кўтариб, дуога қўл очтирмоқда.

Сирожиддин отанинг дил сўзлари республикамиздаги кексаларнинг ҳам кўнгил изҳоридир. Қадимий ўзбекона ва исломий қадриятларимиз тикланмоқда. Қарияларимиз қадрланмоқда.

«Ветеран» корхоналари бирлашмаси Низомига мувофиқ унинг ташкилотларига бир қатор имтиёзлар ҳам берилган. Чунончи, уларда ишлайдиган ходимларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисми нафақахўрлар бўлган тақдирда, улар даромад солиғи ва суғурта бадалларидан озод этиладилар. Олган даромадининг 90 фоизи ўзларида қолиб, фақат 10 фоизигина фахрийлар уюшмасига кирувчи ташкилотларнинг эҳтиёжларига ажратилади. Бу ишнинг савоблиги ҳам шундадир. Бундан ташқари, кексайиб, нафақа ёшига етган, бироқ меҳнатга лаёқатли кишиларни ҳаёт тарзидан маҳрум қилмаслик, уларни сафимизда сақлаб туришнинг энг мақбул усули ҳам шу.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби бизнинг ишларимизда ҳам камчилик ва нуқсонлар мавжуд. «Ветеран» уюшмасига қарашли Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналаримиз ишидан кўнглимиз тўлмаяпти.

Биз фахрийларимизни қанчалик эъзозласак, ардоқласак, тинчликни, қадриятларимиз ва эътиқод-имонларимизни шунча қадрлаган бўламиз. Кексайганда ҳам ҳиммат камарини боғлаб, республикамиз истиқлолини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга аҳд қилган кексаларга таъзим қиламиз.

Назир АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари кенгаши раисининг ўринбосари, «Ветеран» корхоналари республика бирлашмаси бошқаруви раиси.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЧ ЙИЛ БУРУНГИ ҚОТИЛЛИК

Эру-хотинни ўлдириб, «гум» қилиб кетганларнинг изини яқинда Самарқанд тумани ички ишлар бўлими ходимлари топишди. Туманнинг Ф. Қосимова номли жамоа хўжалигида яшовчи эр-хотин Норбоев ва Аҳороваларни ўлдириб кетган қотилларнинг бири 50 ёшдан ошган, иккинчиси эндигина 24 ёшга тўлган ва учинчиси уларнинг онаси Наманган тижорат-тиббиёт билим юртининг талабаси эканлиги аниқланди.

ОҚ ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

Тошкент шаҳрининг Миробод тумани Қўйлиқ мавзесининг биринчи даҳасидаги хонадонлардан бирида яшовчи А. Бойко ўз уйида маст ҳолда жанжал қутарди. Сўнгра шайтон васвасига тушган ота ўз қизини таёқ билан уриб ўлдирди. Жиноят юзасидан терговни прокуратура ходимлари олиб боришяпти.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

ЎН УЧ ҚАЛДИРҒОЧНИНГ БИРИ

Фарғона таълим-тарбия билимгоҳини илк битирган ўн уч қалдирғочлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Улуғ Турсунов ўзбек тилшунослигининг оқсоқолларидан, фидойиларидан саналади. Самарқанд давлат дорилфунуни ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ана шу йирик олим, педагог, бағри кенг устознинг 90 йиллигига бағишлаб анжуман ўтказди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. Валиҳўжаев, профессорлар А. Мухторов, Н. Ражабов, Б. Ўринбоев устоз ҳақидаги ўз хотираларидан, у кишининг олимлик фаолиятидан гапириб бердилар. Анжуманда ўзбек тилшунослигини янада ривожлантириш, такомиллаштириш юзасидан ҳам мулоҳазалар билдирилди. Талабалар тилимиз гўзаллигини, нафис ва мазмундорлигини ифода этувчи адабий-бадиий томоша кўрсатдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Назорат ойнаси

ҚАЧОН ГАЗ КЕЛАРКИН?

Жиззах вилоятидаги Дўстлик шаҳрининг ёнгинасида «Янги ҳаёт» деган қишлоқ барпо этилган. Қишлоқ туман ривожланишининг бош режаси асосида замонавий лойиҳа бўйича қурилиб, ундаги чиройли уй-жойлар, равон кўчалар кўзларни қувонтиради. Қишлоқда истиқомат қиладиган 60 дан зиёд оила аъзоларининг кўпчилиги туманнинг бошқа чўлқуварлари қатори эрта тонгдан то кечгача турли юмушларда фаол меҳнат қилишади, туман иқтисодиётининг юксалишига ҳисса қўшиб, пиёда уйларига қайтишади. Туман марказидан 2—3 чақирим масофада яшасалар-да, автобуслар талаб қилишмайди, ортиқча «инжиқлик»лари ҳам йўқ.

Қишлоқ қурилганига ун йилдан ошди.

Унда яшовчилар кўп машаққат ва илтимослар билан бундан уч йил аввал хонадонларига электр ўтказиб олишди. Уша кунлари республикамиз Президентининг қишлоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги Фармони эълон қилинди-ю, бундан уларнинг ҳам боғлари қўкка етиб, қувонганларидан дўппиларини осмонга отдилар. Лекин, афсуски, орадан шунча вақт ўтса-да, уларнинг ҳолидан на газчилар, на туман раҳбарлари хабар олишади. Уларнинг эса газ ўтказишларини сўраб ёзмаган идоралари, бормаган ташкилотлари қолмади. Ҳатто, газеталар ҳам бир неча бор танқидий мақолалар босишди.

Шундан сўнг бурноғи йили қишлоқ чеккасига газ келтирилиб, қурувчилар «яқинда келамиз» деганларича кетишди. Қишлоқ аҳли уларни ҳамон кутишяпти, уйларидаги қўлбола печ, тандир ва ўчоқлари атрофида ҳали ҳануз мутасаддилар раҳбарларга Олло таолодан инсоф тилашяпти.

Қишлоқ аҳолиси ичимлик суви йўқлигидан ҳам қийналиб яшамоқда. Туман марказига сув келтираётган бош қувур қишлоқ ичидан ўтса-ю, улар каналдан ташиб ичишса ёки қандайдир «чаққон»лардан сотиб олишса, алам қилмайдими, ахир? Хулласи, янгиҳаётликлар туман раҳбарларининг бепарволикларидан хафа.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛОЙДАН ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

ёхуд машҳур кулол ҳаётига чизгилар

Инсоннинг умри у яшаб ўтган йиллар билангина ўлчанмайди, албатта. Зеро, унинг зурриётлари томирида ота-боболарининг қони бор. Одам умрини узайтирувчи яна бир омил мавжуд. Бу Оллоҳ берган иноят — истеъдод, ҳунар билан боғлиқ.

Андижонда туғилиб, ўзбек кулолчилик санъатининг ривожига ҳиссса қўшаётган Маҳмуд ака Мамажонов суҳбатлари кишини ўша хаёллар оғушига етаклайди.

— Маҳмуджон ака, келинг, мусоҳабамиз аввалида Сиз соҳиби бўлган кулолчилик санъати тарихи хусусида сўз юритайлик.

— Бу санъатнинг қадимги аждодларимиз ҳаётидаги ўрни беқиёс бўлган. Зеро, одамзод яралибдики, илк бор ушбу ҳунарга иши тушган. Лойдан том қилган, озиқ-овқат учун идиш ясаган. Шу боисдан фахр билан айтишим жоизки, кулолчилик азалий ва абадий санъатдир.

Ҳали-ҳали аждодларимиз яратган бу обидаларнинг ўз сифат-нуқсини ўзгартирмай келаётгани биз учун сирли сандиқ.

— Сизнингча, кулол энг аввало қайси фазилатларга эга бўлиши лозим?

— Кўнгли кенг бўлиши керак. Чунки қилинган ишнинг ҳаммаси ҳам диддагидек чиқавермайди. Қанча меҳнат қилиб, тер тўкилмасин — шундай. Сизга бир мисол айтай. Ҳисоблаб чиқсам, бирор кўзанинг яралиши жараёнида уни 75—80 марта қўлга олишга, ишлов беришга тўғри келаркан. Энди ўйланг-да, у мисоли ўз болангиздай бўлиб қоларкан. Ўғилми-қизми, дегандай, ҳадик, ҳаяжон босиб туради иш битгунича. Хўп, бу биринчиси, унинг яна бир фазилати меҳнатсеварлиги, яъни ҳеч эринмаслиги, ишни катта-кичикка ажратмаслиги даркор.

— Бугунги ўзбек кулоллари олдида муаммолар борми?

— Йўқ эмас. Энди хом ашё — тупроқ масаласи ечилгандай бўляпти. Илгари Тожикистоннинг Исфара туманидан тупроқ олиб келардик. Ҳозир Паркентдан бизнинг технологияларимизга мос тушаётган хом ашё топилди. Бир катта иш қилиняпти: яқин ўртада амалга оширилса керак, халқ амалий санъати ижодкорларининг алоҳида уюшмаси тузилмоқчи. Очиғи, бу уюшмадан умидларимиз катта. Чунки Рассомлар уюшмаси таркибида бу соҳага эътибор билан қаралди, деб айтолмаймиз. Ваҳолонки, уста дурадгорлар, ганч ўймакорлиги, кулолчилик, пичоқ устачилиги, ғишт териш санъати ва бошқа яна бир неча санъатлар борки, гўёки катта бир тармоқнинг иккинчи, учинчи навбатида турган соҳачаларига айланди. Зеро, буларнинг ҳар бири машаққатли, ўлмас ва жозибадордир. Қайси юртга борманг, халқ ижодиёти, амалий санъатининг ривожланиб кетаётганига дуч келасиз. Ривожланиш эса ўз-ўзидан бўлмайди.

— Фахримиз бўлиб қолган кулолчилик мактаблари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Республикамизда бир нечта ўзига хос йўналишлар, ижодий оқимлар устида иш олиб бораётган кулолчилик мактаблари яратилган. Тошкент мактаби, Чўлпон Содиқов, Аҳад Аминов, Муҳиддин Раҳимовлар асос солган, Самарқандда уста Абдурайим Мухторов, Мансур Носировлар, Наманганда Маҳмуд Раҳимов, Туроб Мусаевлар яратган хос мактаблар бор. Уларнинг йўналишлари бўйича ишлар давом этяпти. Қолаверса, Хива, Андижон, Риштон, Ғиждувон ва Шаҳрисабз кулолчилик мактабларида ҳам алоҳида, ўзига хос оқим, услублар яратилган.

Ўзимга келсам, кейинги йилларда IX — XI асрларда кенг тараққий этган араб имлосида ҳаттотлик билан композициялар ишлаяпман. Биласизки, араб имлоси билан ҳарфларни жойлаштира олиш, чиройли маънолар, мазмун кашф этувчи тасвирлар чиқариш мумкин. Қолаверса, ўша даврларда яратилган осори-атиқаларнинг узоқ вақтлар ўз сифатини йўқотмагани сабаблари борасида ҳам изланишларимиз самаралари чакки эмас. Тупроқдаги тузларни унинг таркибидан сиқиб чиқариш лозим. Сабаби, тупроқда туз кўп-озлиги катта аҳамиятга эга. Овозигача фарқланади, жипслиги, демакки қўлга чидаши ҳам шундан.

— Маҳмуджон ака, айтишларича, пойтахтдаги Ойбек метроси безакларини танлаш кўригида бугун мазкур бекатта зеб бериб турган Сиз яратган асарлар катта муваффақият билан, бир овоздан маъқул топилган экан. Қолаверса, яна ўнлаб давлат ва халқ хизматидаги иншоотлар, муассасалар борки, уларда Сизнинг меҳнатингиз мужассамланган.

— Ўшанда танлов эълон қилинди-ю, кўплаб ишлар тақдим этилди. Бизникини маъқул топишди. Москвага бориб кўрсатдик, у ёқдагиларга ҳам ёқиб тушди, Ойбек метроси устунларига мен яратган безаклар ўрнатилди. Ҳали-ҳали ҳаяжон билан эслайман, Шароф ота Рашидов қўлимни маҳкам қисиб, «Мана шундай санъат керак бизга», дея омад тилагандилар ўшанда.

Ҳаётимнинг катта қисми шу оддий лой билан ўтди. Хўп, қандай кечди шу йиллар дея ўз-ўзимга савол бераман. Назаримда, бекор кетмади. Тошкентда Алишер Навоий номли музей, Вазирлар Маҳкамаси биноси, Андижонда Бобур Мирзо музейи каби кўплаб халқнинг назарида бўлган бинолар деворларида булоқбошилик тегирмон устаси Тожибой аканинг ўғли, ҳаттот Мамажон буванинг набираси бўлган оддий қишлоқ фарзанди меҳнати, санъати сингганлиги менга фахр, ғурур ҳиссини ҳадя этади. Қолаверса, каминанинг ўша камтаргина санъати маҳсулотлари бугун Чехия, Польша, Венгрия, АҚШ, Жазоир мамлакатлари, МДҲ давлатларининг кўпчилигидаги музейларда, бу санъатни севадиган, қадрлайдиган одамлар хонадонларида ҳам сақланяпти.

Маҳмуджон ака устозлари Муҳиддин Раҳимов, Аҳад Аминов, Чўлпон Содиқов номларини ҳурмат билан тилга олди. Тошкент давлат педагогика институтининг рассомчилик ва чизмачилик факультетида ўқиб, ҳам ишлаган кезлари, биринчи бўлиб кулолчилик санъатидан диплом иши ёқлаганини мароқ билан ҳикоя қилиб берди. Қолаверса, яқинда Булоқбоши тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Маҳмуджон Мамажонов раҳбарлигида кулолчилик цехи очилиши арафасида. Фарзандларидан Абдувоҳид ва Абдувосиджонлар ҳам отанинг йўлини танлашган.

Санъатда осон йўл йўқ. Ҳаммаси ҳам фидойиликни, меҳнатсеварликни ёқтиради. Зеро, ана шундай кишилар билан санъатимиз ривож топяпти, авлоддан-авлодга етказиб бериляпти. Бу борада халқимиз, бошқа соҳа кишиларидан фақат уларни қадрлай олиш, етарли эътибор бериш фарздир...

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

Суратларда: Муҳиддин ака фарзандидай қадрлайдиган ижодий ишлари билан; бу Ойбек метросига ўрнатилган безаклардан парча.

А. ТЎРАЕВ суратта олган.

ҲАЁННИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Боғ-роғни совуқ урса сабабчи ким? Боғбонми, табиатми? Шундай пайтда айб боғбонга қўйилган даврларниям кўрдик. Табиат олдида унинг ожизлигини била туриб жазолаш қизиқ-да энди. Лекин яна бир ўйлаб кўрадиган ҳол бор. Яъни халқ орасида хасталик кўпайиб кетди, дейлик. Унинг сабабини ким, нимадан қидирган маъқул? Республика теританосил касалликлари илмий-тадқиқот институти директори, тиббиёт фанлари номзоди Комил Йўлдошев билан суҳбатлашишга шу ўй туртки бўлди:

— Табиатда, инсон танасидаги ўзгаришлар туфайли содир бўлаётган хасталиклар ҳам бор. Аммо бизнинг соҳага оидига инсонлардаги калтабинлик туртки бўлади. Ўзини, оиласини ҳурмат қиладиганлар, аввало бу йўлга кирмайди. Кирмаган ҳам. Тери-таносил касаллигига чалинганларнинг маълум қисмига эр-хотиннинг оиладаги носоғлом муҳит яратгани туртки бўлаётгани ачинарлидир.

— Институтларингизда нечта бўлим бор?

— Бизнинг даргоҳ 1932 йилда ташкил топган. 160 ўринли клиникамиз бор. 284 нафар ходим тўртта бўлимда ишлайди. СПИД лабораторияси, эксперименталь ва клиник лаборатория, клиник ташхис лабораторияси, замбруғ ва бактереологик лабораториялар беморлар хизматида.

Яна таъкидлаб ўтай: Бизда тўрт киши номзодлик, 1 нафари докторликни ёқлади. Заҳмни даволаш бўйича тўртта ихтиро қилинди.

— Касалликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар хусусида нима дея оласиз?

— Бу хасталикдан холи бўлиш ва у билан оғришга йўл қўймасликнинг бирдан-бир ишончли йўли аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг олиб борилишидир. Биз шу услубдан кенг фойдаланяпмиз. Шу ўринда яна бир мулоҳазамни айтай: илгари вокзал, аэропорт, меҳмонхоналарда яшириш текшириш пунктлари бор эди. Иқтисодий тақчиллик баҳона бу хизматдан воз кечилганига муроса қилолмайман. Унинг ҳеч бўлмаганда пуллик усулини тиклаш керак.

— Тери-таносил касалликларига барҳам беришда Сизларнинг институтларингиз асосан илмий изланишлар олиб боради-я?

— Албатта. Ўшандан-да, бу йил иккита докторлик, иккита номзодлик иши ёқланиши керак. Олимлар изланиш олиб бораётган бу хайрли иш амалга ошса борми, тараққиётимизда анча ўзгариш юз беради. Буни мен бош мутахассис сифатида баҳолаяпман.

— Комил ака, клиникаларингизга мурожаат қилаётганлар орасида қайси соҳадагилар кўпроқ?

— Катта бир иқтисодий ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Мамлакатимизда тижорат, тадбиркорлик ривожланиш поғонасига кўтарилди. Биз албатта, бундан хурсандмиз, аммо беморларимиз орасида тижоратчиларнинг кўплигини ҳеч ҳазм қилолмайман.

— Мутахассис сифатида Туркияда бўлиб ўтган дермотологларнинг конгрессида иштирок этгансиз. Ҳатто мақтов ёрлиғи олганингиздан ҳам хабардормиз. Айтинг-чи, ана шундай илмий-амалий конференция, конгресслардан қандай наф бўлиши мумкин?

— Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш жамияти раҳнамолигида вазирлигимиз ташаббуси билан бу йил СПИДнинг олдини олиш борасида икки кунлик семинар ўтказдик. Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган бу анжуманда очиқ ойдин фикрлар билдирилди. Жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлар ва унинг зарарли оқибати тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилди. Гапнинг индаллосини айтганда, ташвиқотда, фикр алмашиш замирида албатта натижа ётади.

— Жинсий йўл билан юқувчи таносил касаллиги ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёшлар ўртасида учраётганлигига ҳам муносабат билдирсангиз яхши бўларди....

— Тўғрисини айтганда бу касаллик билан оғриганларнинг кўпи 20—40 ёшдаги аёл-эркаклардир. Лекин баъзида шундай далилларга ҳам рўбарў келяпмизки, унинг таърифи йўқ. Ўн олти ёшли М. исмли қиз қутир билан касалланганлигидан шикоят қилади. Ундан заҳмга қарши қон олинганда текшириш натижаси шуни кўрсатдики, М. сўзак, трихаманосга ҳам чалиниб бўлган экан. Менимча ёш қизнинг бу ҳаром-ҳаришга кириб қолганига албатта отаона, қариндош-уруғ сабабчидир.

— Яна бир нарсани сўрасам дегандим. Клиникаларингизга оид касалликларнинг тарихи узоққа бориб тақаладими?

— Дангалига ўта қолайлик: тери-таносил касалликлари бизда Октябрь революциясидан қолган «марҳаматдир».

Суҳбатимиз шу жойда тугади. Хайрлашдик. Тери-таносил касаллигининг кўпайиб бораётганига шифокорнинг айби бормикан, деган савол ҳануз безовта қиларди. Ёмғир ёғишига синоптиклар қандай дахли бор? Демакки, бу касалликнинг кўпайишига ҳам шифокор сабабчи эмасканда. Ахлоқсиз фильмлар, бемаврид «тижорат», назоратсиз қолган фарзанддан бунинг илдизини излаш керакмасмикин? Ёхуд бизнинг халқимиз учун азиз саналмиш Ҳаёнинг бебаҳолигини ҳам унутмайлик.

Қ. АЛИҚУЛОВ.

Аргумоқ остингдадур

СИНАЛГАН МАЛҲАМЛАР

Баҳор келиши билан довдарахтлару ут-гиёҳлар борлиғини кўз-кўз қила бошлайди. Афсуски, кўпгина дарахтларнинг меваси, қолаверса, барглининг хосиятлари ҳақида камроқ биламиз. Айтайлик оқ шафтолининг данак мағзи шифобахшлиги ҳақида эшитганмисиз? Билсангиз бундай мағиз ўпка ва нафас олиш йўллари хаста кишиларга малҳам бўлади. Мағиздан етти донасини олиб, наҳорга чайнаб, ҳосил бўлган сувини ютиниш лозим. Бундай муолажа бир неча бор такрорланса, астма дарди ҳам чекиниши мумкин.

Шафтоли гуллаганда гул барглини йиғиш ва ундан чучвара тугиб, ун донасини тановвул қилиш танамизни ҳилтлардан тозалашга имкон беради. Шунингдек, шафтолининг барги ҳам ўзига хос малҳамлардан саналади. Барглнинг бир сиқимини олиб, ҳавончада янчиб, пайдо бўлган қичималарга қўйилса, даво бўлади. Ҳатто қўй-эчкилар қутир бўлганда ҳам кор қилиши мумкин. Шафтоли ўз йўлига-ку, ҳаммага маълум отқулоқ ҳам шифобахш. Агар отларнинг бирор ери яғир бўлса, отқулоқнинг илдизини олиб, ювиб, майдалаб, ёмга қўшиб отларга берилса, соғайиб кетади.

Халқ ўртасида, «вой-вой бошим, менда ҳам бор қон босим», деган қўшиқ хиргойи қилиб юрилади. Умуман олганда бундай дардга чалинганларнинг шифо излаб юришганини кўплаб учратиш мумкин. Бу дардга турли дори-дармон ва малҳамлар кўп. Шунга қарамай, яна биттасини айтишни лозим кўрдик. Ҳозир узум зангларини айни сув олган пайт. Билиб-билмасдан токнинг кесилган еки синган жойи бўлса чакиллаб суви оқади. Иложи бўлса, ана шу томчиларни шишаларга йиғиб олиш кони фойда. Чой, сув ўрнига бир пиёладан ток сувидан ичиб турилса, қон босимини кўрмагандай бўлиб кетсангиз ажаб эмас. Албатта, биз шунчаки дардлардан фориғ бўлиш ҳақидаги омиллар ҳақида сўзладик. Лекин шифосини эгамдан сўраган одам кам бўлмас.

Қобил ОДИЛОВ.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ТЎЙ БЎСАДАН БОШЛАНАДИ

ҲИНДИСТОНДА шундай бир қабила бор — баланс деган. Бу қабилада ғаройиб анъана борки, бунақаси дунёнинг бирор ерида учрамайди. Яъни севишган йигит ва қиз гувоҳлар кўз ўнгида тропик дарахтнинг аччиқ баргини икки томонидан тишлаб, чайнай бошлайдилар. Барглнинг аччиғига бардош берган ёшлар кейин буса олмоққа ошиқадилар. Қарабсизки, ёшяланглар тўй бошлашади.

ЕЛКАДА КЎТАРИБ ЮРАДИ

АФРИКАДА яшовчи мандинго қабиласида қизиқ қонун мавжуд. Унга кўра, айбсиз кишини озодликдан маҳрум этган судья жазоланади. Жазоланганда ҳам антиқа усул билан — айбсиз киши қанча муддат қамоқда ўтирган бўлса, судья шунча кун ўша кишини елкасида кўтариб юриши шарт.

Ўрта асрда Германияда ҳам шундай бўлган, яъни гуноҳкор судьялар янада қаттиқроқ жазоланишган. Нюренберг шаҳри музейида бундан 400 йил муқаддам қалбаки ҳужжатга имзо чеккан нотариус ходиминнинг мумиёланган бир қўли ҳамон сақланмоқда. Кўриниб турибдики, ўша даврда қалбаки иш қилган ҳуқуқ посбонларининг қўли кесилган экан.

БАЛИҚ ҚАРМОҚДА ОВЛАНАДИМИ Ё МИЛТИҚДА?

ДАРВОҚЕ, бу саволни кўндаланг қўйишнинг ўзи кулгили. Негаки, саволга албатта қармоқ билан-да, деб жавоб беришингиз тайин. Бироқ қармоқда тутишга кучингиз етмасачи, унда нима қиласиз? Бу саволни Альяскининг Кадьяк оролида яшовчи 15 ёшли Бобби Пинчга берсангиз, бироз каловланиб қолиши мумкин. Аммо отаси ҳеч иккиланмасдан «отардим» дейди. Негаки, у доимо балиқ овига қармоқдан ташқари милтиқ ҳам олволади. Унинг милтиқ кутаришига қўйидаги воқеа сабаб бўлган.Бундан бир неча йил аввал Бобби Пинч отаси билан денгизга балиқ овига чиқади. Ота-бола кун бўйи сувда қармоқ ташлаб ўтиришади, ҳеч нарса илинмайди. Аммо кеч кира бошлагач, Боббининг омади юришади. Унинг қармоғига баҳайбат палтус (камбаланинг бир тури) балиғи илинади. Бироқ уни маглуб этишга Боббининг кучи етмайди. Отаси ёрдамга келади, лекин ота-бола ҳам... шу пайт отасининг кемага шунчаки қўйиб қўйган милтиғи ёдига тушиб, бир неча ўқ билан балиқни тинчитади. Кемага эса улжани базўр тортиб олишади. Балиқ вазни 107 кило бўлиб, бўйи 2 метр экан. Ушандан буён Боббининг отаси балиқ овига милтиқ билан чиқади, деб ҳикоя қилади америкалик журналистлар узларининг «Балтимор сан» газетасида.

ИЗЗАТДА — ОТЛАР

ГОЛЛАНДИЯДА неча йилдирки, «отлар куни» нишонланади. Шу куни кўчаларда катта байрам бўлиб, отларнинг ёлларига ва думига ранго-ранг тасмалар, чиройли гуллар тақилади. Байрам куни отлар умуман ишлатилмайди. Улар иззатда, одамлар эса хизматда бўлишади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот маркази хабар қилади

НОН ЧАЙҚОВЧИЛАРИ

Республика Давлат солиқ қўмитасининг божхона хизмати ва ички ишлар органлари ҳамкорликда нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетишига қарши тадбир ўтказдилар. Натижада олиб кетилаётган 92 минг 400 сўмлик 25 минг 700 дона қолипланган нон ушлаб қолинди.

Бизда нонниг арзонлигидан фойдаланиб, чайқовчилик нишонига айлантиришга уринаётганларни таништириб ўтмоқчимиз. Уларнинг бири — С. Ўразбоева. У «тижорат» тўрвасига 288 дона қолипланган бўрсилдоқ оқ нонни тиқиб «Тошкент — Жилга» электр поездида Чимкентга равона бўлаётганида божхоначилар қўлига тушди. «Ғиштқўприк» божхона постида тўхтатилган «Тошкент—Чимкент» йўналиши бўйича қатновчи автоулов йўловчилари Ш. Ўтешев 103, К. Қўшқанбоев «бола-чақага совға» деб ва донадан қолипланган оқ нонни олиб кетишаётган экан. Нонлар Тошкент туманидаги дўконга топширилди. Шу куни «Тошкент — Сариоғоч» йўналишида қатновчи автоуловда кетаётган қозоғистонлик йўловчилар Б. Алхўжанова ва Р.Сайтинбековаларнинг юк халталари ҳам нонга тўла экан. Улардан олинган 223 дона қолипланган оқ нон ҳам тегишли дўконга топширилди.

Афсуски, бу нонларни ўзимизнинг орамиздан кимлардир сотяпти. Демак, улар ҳам чайқовчиликка шерик. Нонларнинг аҳолига тўғри тартибда сотилиши устидан назорат эса суст. Йўқса ҳафтасига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўзидан четга чиқарилаётган 10—12 минг дона нон божхона хизмати томонидан ушлаб қолинмасди. Бу аҳвол тегишли ҳокимликлар ва бошқа нон таъминотига мутасадди ташкилотлар томонидан ҳар бир савдо шохобчасида янада қатъий назорат ҳамда тартиб ўрнатилишини тақозо этади. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июлдаги фармойишининг тўлиқ ижросига эришибгина ризқ-рўз талонторож бўлишининг олдини олиш мумкин.

И. ЎСАРОВ,
матбуот хизмати ходими.

Спорт

«НЕФТЧИ»ГА ҒАЛАБА ЁР

Олий табақа футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг бешинчи тур ўйинларини ўтказишди.

Чемпионат пешқадами бўлиб турган фарғоналик футболчилар бу сафар ҳам ишқибозларни қувонтирдилар. Уз майдонию сафар учрашувларида барқарор ўйинлар курсатаётган «Нефтчи» бу гал «Темирйўлчи» майдонида зафар қучиб, жами очколарни 15 тага етказди. Шунингдек, 5-тур ўйинлари МҲСК, «Навбаҳор», «Пахтакор», «Суғдиёна» жамоаларига ҳам омад келтирди. «Нурафшон» бу сафар имкониятни бой бериб, иккинчи уриндан бешинчи уринга тушиб қолди. Пахтакорчилар эса 10 та очко билан 3-ўринга кўтарилишди. «Суғдиёна», МҲСК футболчилари ҳисобида ҳам 10 талан очко бор. Учрашувлар эса қуйидагича якунланди: «Навбаҳор» — «Динамо» — 2:0, МҲСК — «Нурафшон» — 4:0, «Темирйўлчи» — «Нефтчи» — 1:2, «Суғдиёна» — «Машъал» — 3:0, «Политотдел» — «Чирчиқ» — 2:3, «Трактор»– «Янгиер»–1:0; АСК–«Наврўз» 2:2, «Пахтакор» — «Атласчи» — 4:0.

«ҒАЗАЛКЕНТ» ИЛДАМЛАМОҚДА

Биринчи табақа жамоалари учрашувлари ҳам тобора ҳужумкорлик касб этмоқда.

Турнинчи тур учрашувларидан кейин пешқадамлар мавқеи янада мустаҳкамланди. Фақат биринчи минтақа вакили «Прогресс» сафарда ютқазиб қўйди. «Зарафшон» эса «Йигирувчи» майдонида (3:0) галаба қозониб, 10 та очко билан биринчи уринга кўтарилди. Шунингдек, «Динамо», «Диёр», «Локомотив» футболчилари ҳам ўз ҳисобларига 3 та очко ёзишди. Иқинчи минтақада эса «Ғазалкент» маглубиятсиз илдамламоқда. Бу жамоа навбатдаги учрашувини «Шаҳрихон» майдонида утказиб (2:0), жами очколарни 12 тага етказди. Иккинчи ўринда бораётган «Маданият» ҳисобида 10 та очко бор.



Рингда.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Узбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Узавтойўл» жамоаси концерн ижро аппарати ходими Ҳикмат Нурмуҳамедова отаси

Солиқ НУРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси жамоаси Фарғона вилояти божхона хизмати бошлиги Бегали Раҳмоновга ўғли

Ойбек РАҲМОНАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси жамоаси бошқарманинг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш сектори бошлиги Абдумўмин Тилавовга отаси

Тоғай ТИЛАВОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси илмий-техника бўлими бошлиги Баҳромжон Жалоловга отаси

Қодиржон ЖАЛОЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ. Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.30

1 2 3 4 5 6.